

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



CEFR VA УНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН МУОФИКЛИГИ

Икромова Муаззам Дилмурод кизи
Наманган давлат университети таянч докторанти
muazzam.dr.dilmuradovna@gmail.com

Аннотатсия: Тадқиқотчи Ўзбекистонда инглиз тилини чет тили сифатида ўқитишида CEFR ҳамда Давлат Таълим Стандартларига мослашиш тамойилларининг назарий таҳлилини тавсифлайди ҳамда ўзаро муофиқлиги бўйича таҳлиллار кўрсатилган. Шунингдек, мақолада CEFR баҳолаш мезонлари кенг таништирилган. CEFR тузилмаси ва Ўзбекистонда чет тили таълими тизимини ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш бўйича янги қабул қилинган асосларни батафсил таҳлил қилади.

Калит сўзлар: коммуникатив компетенцияси, Давлат Таълим Стандартлари (ДТС), чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш, давлат таълим стандартлари, даража талаблари, фонетика, лексика, грамматика, ўқув дастурлар, амалий фан дастури.

CEFR AND ITS COMPLIANCE WITH STATE EDUCATIONAL STANDARDS

Ikromova Muazzam Dilmurod kizi
Doctorate of Namangan State University
muazzam.dr.dilmuradovna@gmail.com

Annotation: The researcher describes a theoretical analysis of the principles of compliance with the CEFR and State Education Standards in the teaching of English as a foreign language in Uzbekistan, as well as an analysis of their compatibility. The article also introduces the CEFR evaluation criteria. Provides a detailed analysis of the CEFR structure and the newly adopted framework for the study, teaching and evaluation of foreign language education in Uzbekistan.

Key words: communicative competence, State Education Standards, Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment, degree requirements, phonetics, vocabulary, grammar, curricula, practical subject curricula.

CEFR И ЕГО СООТВЕТСТВИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМ СТАНДАРТАМ

Икромова Муаззам Дильмуродовна
Докторант Наманганского государственного университета
muazzam.dr.dilmuradovna@gmail.com

Аннотация: Исследователь описывает теоретический анализ принципов соответствия CEFR и Государственным образовательным стандартам при преподавании английского языка как иностранного в Узбекистане, а также анализ их совместимости. В статье также представлены критерии оценки CEFR. Предоставляет подробный анализ структуры CEFR и недавно принятой системы изучения, преподавания и оценки иностранного языкового образования в Узбекистане.



Ключевые слова: коммуникативная компетентность, государственные образовательные стандарты, Общеввропейские рамки владения языками: обучение, преподавание, оценка, государственные образовательные стандарты, требования к ученой степени, фонетика, словарный запас, грамматика, учебные планы, учебные программы по практическим предметам.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида амалга оширилаётган глобаллашув жараёнида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга, стабил равишда ҳар томонлама ривожланиб келаётган кучли давлатлар қаторида жой эгаллади. “Ўзбекистон Республикаси таълим туғрисида”ги қонуни, “Ўзбекистон Республикаси кадрларни тайёрлаш миллий дастури” [2] ва ЎзР Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “ Чет тилларини ўрганишни янада такомиллаштирилиши” туғрисидаги ПҚ-1875 сонли қарори [3] чет тилларини ўқиш ўрганиш ва баҳолашга бўлган талабларни Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида кескин ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Чунки, бу ўзгариш биринчидан таълим тизимида чет тилларини ўқиш, ўрганиш ва баҳолаш тизимини тўлиқ халқаро тизимга ва халқаро ҳамжамиятда баҳолаш тизими тан олиншига олиб келади. Иккинчидан, чет тилларни ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим тизимида касбга йўналтирилган чет тилларни ўрганиши, ўқитилиши ва баҳоланиши бу - барча касбларни чет тилларида мукамал ўрганишни қамраб олади.

Бу кескин ўзгариш шуниси билан аҳамиятлики, Ўзбекистон бу борада дунё ҳамжамиятида мавжуд дастур, ўқув-услубий мажмуалар ва баҳолаш тизимини андозасини шундайлигича олиб ишлатилимай “кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариши, ҳар томонлама камол тоған, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳукукий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқороларни тарбиялашни” [4. 1-бег] назарда тутиши дастури амалда бўлиб, “ўзбек модели”га мос тизим яратилишига киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқланиши” [4] туғрисидаги давлат таълим стандарти Ўзбекистон таълим тизимида ўқиш, ўрганиш ва баҳолашдаги ёндошувга кескин бўрилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Чунки олдин билим келадими, кейин малака ёки малака олдин келадими, кейин кўникма деган сўзлар аста-секин четга чиқа бошлаб, энди компетенция ёки фойдланувчи даражалари деган тушунча ва сўз бирикмалари кунлик ҳаётимизга кириб келмоқда.

Шу билан бирга, Европа Иттифоқида тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолашнинг ягона тизимини яратаиш эҳтиёжи глобаллашув давридаги кескин равишда ўзгараётган ривожланаётган фан ва техника CEFR [5] каби дастурларни яратилишига асос солинди.

Юқорида тилга олинган ана шу 5та ҳужжат асосида, “ўзбек моделига мос ўқиш, ўрганиш ва баҳолаш дастури, олдингидек классик равишда турли ҳил педагогик технология ва турли ҳил натижага эмас, бир ҳил стандарт талаблари асосида, бир ҳил натижага эришишга олиб чиқиши шарт бўлади. Мақодада бу ҳақда батафсил тўхталган ва кўшимча адабиётлар руйхати ҳам келтирилган. бир ҳил дастур, бир ҳил методика ва бир ҳил баҳолаш тизимидан фойдаланиш таълим тизимини замон талабларига жавоб бермай қуйди. Айнан шу мақсадда умумевропа тилларни ўқиш, ўрганиш ва баҳолаш



бойича 2001 йил қабул қилинган CEFR * дастури бутунги кунда ҳар қандай давлатда ҳам тез мослашадиган дастур сифатида ўз ўрнини топди.

Ушбу ўқитувчилар маҳоратини доимий равишда ошириб бориши учун яратилаётган дастур юқорида тилга олинган шу 5 та ҳужжат асосида яратилди. Ушбу дастур асосида малака ошириш институтларида малакасини ошираётган, таълим муассаларида ишлаётган ўқитувчилар ва турли таълим масканлари ўқитувчилари учун дастури амал ҳисобланиши мумкин.

Ушбу баҳолаш мезони Ўзбекистонда чет тили ўқитилишини халқаро стандартларга ёналтирувчи шарафли ва таълим тизимида олиб борилаётган энг катта реформа- таълим сифати кафолати лойихаси доирасида яратилди. Бу лойиха чет тилларни нафақат оқиш, органиш ва баҳолаш бўлибгина қолмай, ўрганувчиларни ўз танлаган қарийб 300га яқин мутахассисликлар доирасида ҳам чет тилларида оқлаштиришга ёналтирилганлиги бу қолланнинг анча катта иш ҳажмига асос бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради.

Таълим босқичи	Битирувчилар	Умумевропа халқаро стандарти	Даражанинг номланиши
Умумий ўрта таълим	Бошланғич синф (4 синф) битирувчилари	A 1	Бошланғич дарадаги фойдаланувчи
	9-синф битирувчилари	A 2	Чет тилидан фойдланишнинг таянч даражаси
	Чет тилини чуқурлаштириб ўтадиган 9-синф битирувчилари	A 2+	Чет тилидан фойдланишнинг кучайтирилган таянч даражаси
Ўрта махсус касб-хунар таълими	Чет тилларига ихтисослаштирилмаган академик лицейлар битирувчилари Касб-хунар коллежлари битирувчилари	B 1	Чет тилидан фойдаланишнинг мустақил бошланғич даражаси
	Чет тилларига ихтисослаштирилган академик лицей битирувчилари (иккинчи тил)		
	Чет тилларга ихтисослаштирилган академик лицей битирувчилари	B 1+	Чет тилидан фойдаланишнинг кучайтилиган мустақил бошланғич даражаси
Олий таълим	Олий таълим муассаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факултетлари бакалаврият босқичи битирувчилари	B 2	Чет тилидан фойдаланишнинг мустақил фойдаланиш даражаси
	Олий таълим муассаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факултетлари магистратура босқичи битирувчилари		



Таълим босқичи	Битирувчилар	Умумевропа халқаро стандарти	Даражанинг номланиши
	Олий таълим муасасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факултетлари бакалаврият босқичи битирувчилари(иккинчи тил)		
	Олий таълим муасасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факултетлари бакалаврият босқичи битирувчилари	C1	Чет тилиндан фойдаланишнинг эркин фойдаланиш даражаси
	Олий таълим муасасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факултетлари магистратура битирувчилари		

Мазкур стандарт асосида бошқа барча тиллардан фойдаланишни ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашни амалга ошириш мумкин бўлади. Барча дарслар юқорида кўрсатилган даражалар асосида ташкиллаштирилади.

Чет тилларини эгаллаш таълим, илм-фан, иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётдаги глобаллашувнинг янги даври учун асосий калит ҳисобланади. Глобаллашаётган таълим эндиликда илм олувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам бутун дунёда таълимни ва илмий изланишларни давом эттириш имкониятини яратиб бормоқда.

Қуйида стандарт талабларининг ҳар бир даражаси учун компетенция даражалари белгиланган.

**ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА A1 - B1+ ДАРАЖАЛАР БИТИРУВЧИЛАРИ
ТАЙЁРГАРЛИГИ 5 ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

A1	A2	B1	B1+
Тинглаб тушуниш			



<p>Содда йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади. Содда саволлар ва гапларни тушуна олади. Содда шеърлар, ҳикоялар, қўшиқларни тушуна олади. Таниш контекстларда содда аугентик нуткни тушуна олади.</p>	<p>A2 -Уз эҳтиёжлари ва кизиқишларига бевосита боғлиқ бўлган гап ва ибораларни тушуна олади. Бирор ерга бориш бўйича содда йўриқномаларни тушуна олади. Содда хабарлар ва эълонлардаги асосий маъноларни тушуна олади. A2+ -Кундалик мавзулардаги тасмага ёзилган парчалардан муҳим маълумотларни тушуна олади. Муҳокама этилаётган масаланинг асосий мавзусини аниқлай олади.</p>	<p>Оммабоп таниш мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади. Касб-хунарга оид мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади. Шахсий кизиқиш ёки касбга оид кундалик воқеалар ва дастурлар ҳақидаги телерадио янгиликлар секин, бироқ раво гапирилганда уларнинг асосий мазмуни ва ғоясини тушуна олади. Батафсил ёзишга йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади. Таниш мавзудаги муҳокамага кириша олади.</p>	<p>Уз мутахассислиги доирасидаги яхши тузилган маъруза ёки суҳбатни тушуна олади. Ўз кизиқишлари доирасидаги теле ёки радио дастурлар ва бошқа манбаларни тинглаб, асосий маълумотларни тушуна олади. Шахсий кизиқиш, ўқиш ёки касбга оид соҳадаги оғзаки манбаларни тинглаб, ҳам асосий мазмуни, ҳам махсус маълумотларни англай олади. Тил эгаси билан таниш ва махсус мавзуда мулоқотга киришганда унинг аксарият жиҳатларини тушуна олади.</p>
Гапириш			
<p>Диалог. Маълумот сўрай ва маълумот бера олади. Ёрдам сўраб мурожаат қила олади. Содда савол-жавоб қила олади. Монолог. Яшаш жойи, оила, дўстлари ва танишлари ҳақида гапира олади. Ўзини таништира олади, ёктирган ва ёктирмаган нарсалари ҳақида гапира олади. Таниш мавзуда жуда қисқа тақдимотлар қила олади.</p>	<p>Диалог. A2 -Тўғри маълумот ола билади ва бера олади. Саломлаша олади ва мурожаат қила олади. Таклиф, тавсия қила олади ва таклифга жавоб бера олади, узр сўрашнинг содда кундалик шаклларини ишлата олади. Қисқа мулоқотда иштирок эта олади. Содда иборалардан фойдаланиб таниш мавзуда ўз фикрини ифода эта олади. Содда юмушлар (масалан чипталар сотиб олиш, харид қилиш, ошхонада таом буюра олиш)ни амалга ошира олади. Тушунмаганлигини билдира олади. A2+ Оммавий вазиятларда одамлар билан мулоқотга</p>	<p>Диалог. -Саёҳат мобайнида ёки касбий соҳада вужудга келиши мумкин бўлган аксарият вазиятларда мулоқот қила олади. Таниш, шахсий кизиқишларга оид ёки кундалик мавзуларда тайёргарликсиз суҳбатга кириша олади. Ҳам оммабоп, ҳам касб-хунарга оид масалалар бўйича маълумот олади ва бера олади ҳамда фикр алмаша олади. Кенг миқёсдаги ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар, масалан ғамгинлик, бахтиёрлик, дилхиралик, мамнуният, хайратланишни ифода қила олади ва уларга</p>	<p>Диалог. -Таниш кундалик ва бошқа умумий мавзуларда маълум даражада ўзида ишонч билан маълумот алмаша олади, текшира олади ва тасдиқлай олади. Муаммони тушунтириб бера олади ва уни ҳал қилиш йўллари тасдиқлай олади. Кутилмаган мулоқот вазиятларида иштирок эта олади: тайёргарликсиз суҳбат ва муҳокамаларни олиб бера олади. Таниш мавзуларда дебатлар ва</p>



	<p>кириша олади.</p> <p>Қисқа суҳбатларда ўз режалари ҳақида муаммосиз иштирок эта олади (масалан, кечкурун ёки дам олиш кунлари режалари бўйича). Кундалик ҳаётга оид ўзи кизиққан ёки ўзига бевосита алоқадор мавзуларда қисқа суҳбатларда иштирок эта олади. Олдиндан режалаштирилган кундалик суҳбатларда маълум таниш мавзуларда савол-жавоб қила олади, фикр ва маълумот алмаша олади.</p> <p>Бошқалар фикрига қўшилиш ёки қўшилмасликни ифодалай олади. Чет тилида маълумот, йўриқномалар ва бошқалар юзасидан тегишли жавобларни қайтара олади (масалан кўчада ўрганилаётган тил соҳиби бўлган сўзлашувчи мурожаат қилганда).</p> <p>Монолог.</p> <p>A2 Одамлар, яшаш ёки иш жойи шароитлари, кундалик ишлар, ёқтирган/ёқтирмаган нарсалар ва бошқаларни содда қилиб тасвирлай олади ёки тақдимот қила олади. Содда иборалар билан одамлар, жойлар ва буюмларни тасвирлай олади.</p> <p>A2+ Таниш мавзуда қисқа тақдимот қила олади. Нимани ёқтириши ёки ёқтирмаслигини тушунтира олади. Тадбир ёки воқеа-ҳодиса ҳақида қисқа маълумот бера олади.</p> <p>Режалар, тадбирлар, одатлар ва тажрибаларни тасвирлай олади. Содда иборалар билан предметлар ва ўзига тегишли нарсаларни қиёслай олади.</p>	<p>жавоб қайтара олади.</p> <p>Мавзу бўйича суҳбат ёки муҳокамада қатнаша олади.</p> <p>Саёҳат, харид, банк ва бошқа умумий кундалик ёки меҳнат фаолиятига оид вазиятлардаги юмушларни самарали уюллай олади.</p> <p>Йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуниб, уларга амал қила олади.</p> <p>Расмий суҳбатда, масалан ишга жойлашиш ёки степендия олиш учун бўладиган суҳбатда олдиндан кутса бўладиган саволларга жавоб бера олади.</p> <p>Юзма-юз мулоқотда ёки телефон орқали учрашув ёки тадбир вақти ва жойини режалаштира олади.</p> <p>Касб-хунарга оид мавзудаги саволлар бера олади ва уларга жавоб қайтара олади.</p> <p>Монолог.</p> <p>Ихтисосликка оид ёки бошқа таниш мавзуларда қисқа, мангикий фикрлар билан боғланган тақдимот қила олади. Таниш вазиятлар ва мавзуларни содда тасвирлаб, улар ҳақида бевосита ахборот бера олади.</p> <p>Воқеа-ҳодисалар ва тадбирлар тафсилотларини боғлай олади. Орзу-умидлар, хоҳиш-истак ва режаларни тасвирлай олади.</p> <p>Оммага эълон ёки тақдим қилиш жараёнида режалар ёки чора-тадбирларни тасвирлай олади.</p> <p>Содда иборалар ёрдамида масала ёки</p>	<p>муҳокамаларда иштирок эта олади.</p> <p>Муҳокамалар жараёнида мавҳум мавзулар ва масалаларда ўз фикрини ифода қила олади.</p> <p>Муҳокама ёки суҳбат мобайнида ўзгалар фикрини шархлай олади.</p> <p>Батафсил кўрсатмаларга оид саволларга жавоб бера олади.</p> <p>Саволлар бериб, тегишли шарҳлар келтириб, интервью олиб бора олади.</p> <p>Интервью ёки маслаҳат бериш мобайнида керакли маълумотларни бера олади.</p> <p>Монолог.</p> <p>Оммабоп ёки ихтисосликка оид мавзуда яхши тузилган тақдимот қила олади.</p> <p>Қисқа ҳикоя, мақола ёки муҳокама мазмунини қисқача баён қила олади.</p> <p>Ўз қарашларини тушунарли ва аниқ ифодалай олади</p>
--	--	---	---



		далил ва сабабларни келтира олади.	
Ўқиш			
<p>Таниш мавзуларда маълумот берувчи матнларнинг асосий мазмунини тушуна олади. Жой ёки инсонлар тасвирланган қисқача матнни (зарур ҳолларда кўргазмалардан фойдаланган ҳолда) тушуна олади. Содда хабарларни, масалан оддий хатлар, электрон хатларни тушуна олади. Содда ёзма йўриқнома ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.</p>	<p>A2 Жуда қисқа содда аутентик ва ярим-аутентик матнларни тушуна олади. Қисқа шахсий содда хабарлар ва хатларни тушуна олади. Жамоат жойларидаги умумий белгилар ва эълонларни тушуна олади. Содда ёзма кўрсатмаларни тушуна олади. Рўйхатлар, веб сайтлар, қўлланмалар ва бошқалардаги махсус маълумотларни кидириб топа олади.</p> <p>A2+ Стандарт хатларнинг асосий турларини тушуна олади (масалан, тасдиқлаш хати каби). Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган қисқа хабар ва кичик мақолаларни тушуна олади. Товарлар ва асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади. Фактларга асосланган матнларда, масалан брошюралар, рекламалар, газета эълонларидан махсус маълумотларни топа олади. Баъзи нотаниш сўзларнинг маъносини контекстга қараб аниқлай олади.</p>	<p>Ихтисослик соҳаларида фактларга асосланган мураккаб бўлмаган матнларни тўлиқ тушуна олади. Кундалик ва асосий касб-хунарга оид ҳужжатлардаги, масалан, хабарлар, қисқа расмий ҳужжатлардаги тегишли маълумотларни топа олади ва тушуна олади. Газета ва интернет матнлари ва бошқа манбалардаги тегишли фикрларни тушуна олади. Асбоб-ускуналар ва қурилмаларни ишлатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ёзма йўриқномаларни тушуниб, уларга амал қила олади. Оммавий матнларни муҳокама қилишни назарда тутган ҳолда асосий фикрларини тушуна олади.</p>	<p>Каттарок матнларни ўқий олади, матннинг турли қисмларидан тегишли маълумот йиға олади. Мунозарали матннинг ҳулосасини аниқлай олади. Матн мазмунининг асосий ғоясини ажрата олади. Махсус маълумот олиш учун нисбатан катта ҳажмдаги матнларни ўқий олади. Махсус маълумот олиш, тўлиқ тушуниш учун қисқа газета мақолаларини, интернет матнлари ва бошқаларни ўқий олади.</p>
Ёзиш			
<p>Шахсий содда хабарларни (табриклар, кайдлар, электрон хатлар) ёза олади. Шахсий маълумотлар (исм-шариф, яшаш манзили</p>	<p>A2 Содда қисқа хат ва хабарлар ёза олади (масалан, миннатдорчилик билдириш, узр сўраш хатлари). Анкетани турли шахсий маълумотлар билан тўлдира олади (исм-шарифи, манзили, телефон</p>	<p>Шахсий ва касбий контекстларда қайдлар ва хабарлар ёзиб, уларнинг шошилинчлиги, муҳимлиги ёки зарурлигини ифодалай</p>	<p>Маъруза пайғида ўзи фойдаланиши учун етарли даражада аниқ бўлган қайдлар қила олади. Ўз кизиқишларига тааллуқли мавзуда</p>



<p>ва ҳоказо) билан содда анкетани тўлдир олади. Содда шеър ва ҳикоялар ёза олади.</p>	<p>рақами, миллати, ота-онаси билан уланиш ҳақида маълумотлар ва ҳоказо). Кундалик турмуш ҳақида ёза олади. Содда биография ёза олади. Содда шеърлар ёза олади. A2+ Тадбирлар ва шахсий тажрибаларни тасвирлаб ёза олади. Оғзаки хабарни тушунарли қилиб ёза олади.</p>	<p>олади. Стандарт форматга асосланган қисқа касбга оид ҳисоботлар ёза олади. Меҳнат амалиёти тажрибасига оид оддий ҳисоботларни ёза олади. Иш жойи билан боғлиқ масалалар ва вужудга келадиган вазиятлар бўйича оддий ҳисоботлар ёза олади. Резюме ва тавсия хатларини ёза олади</p>	<p>қисқа, содда эссе ёза олади. Расмий хат, иш юригиш қоғозларини (ариза, розилик хатлари, резюме) ёза олади. Тажриба, фаолият ва тадбирлар ҳақида талабга жавоб бера оладиган ҳисоботларни ёза олади. Лойиҳа иши ҳақида қисқача ҳисобот ёза олади. Ҳикоя ёза олади.</p>
Лексик компетенция ва Грамматик компетенция			
<p>Ўзлаштирилган лексик воситаларни контекст (матн)да қўлай олади. Мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўлай олади. Баъзи байналминал сўзлар ва турдош сўзларни фарқлай олади ҳамда уларни қўлай олади. Коммуникатив вазиятларда содда грамматик ва синтактик тузилмаларни қўлай олади. Сўз ва сўз бирикмаларини «ва» боғловчиси билан боғлай олади. Феъл шакллари ва содда пайт равишдошларидан фойдаланган ҳолда гапларни тўғри баён қилади ва ҳикоялар ҳамда воқеаларни тўғри кетма-кетликда таърифлай олади.</p>	<p>Ўзлаштирилган лексик бирикларни контекстда қўлай олади. Мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўлай олади. Баъзи байналминал ва ўзлашган сўзларни таний олади ва уларни қўлай олади. Сўз яшашнинг турли йўллари фарқлай олади (қўшма сўзлар, префикслар ва суффикслар). Коммуникатив вазиятларда асосий грамматик ва синтактик тузилмаларни қўлай олади. Сўз бирикмалари ва қўшма гапларни «аммо», «ва», «чунки» каби содда боғловчилар билан боғлай олади. Феъл шакллари ва содда пайт равишларидан фойдаланган ҳолда баён қилиш ва ҳикояларни гапириб беришда воқеаларни тўғри кетма-кетликда ифода қилади.</p>	<p>Касб-хунарга оид луғат бойлигидан фаол фойдалана олади. Ўз соҳаларида кенг тарқалган халқаро ва турдош сўзларни танийди ва ишлата олади. Ўз ихтисослиги доираси ва ундан ташқарида сўз тузилиши элементлари (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги)ни танийди ва тушуна олади. Коммуникатив мақсадларда зарур бўладиган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини таний олади ва улардан тўғри фойдалана олади.</p>	<p>Ўз мутахассислигига оид лексикани ажрата олади ва қўлай олади. Ўз ихтисослиги доираси ва бошқа соҳаларда сўз тузилиши унсурларини (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги) таний олади ва тушуна олади. Коммуникатив мақсадларда зарур бўлган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини ажрата олади ва улардан тўғри фойдалана олади.</p>

Ўзбекистон таълим тизимига стандартларни татбиқ этиш: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш

Ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш ўқитувчилар ва ўқувчилар ишининг ҳаммиша чамбарчас боғлиқ қисмидир.

Мақсад. Ўзбекистонда барчани инглиз тилини ўргатишга жалб этишдан мақсад: Ўзбекистон таълим тизимининг битирувчилари учун яхшироқ иш жойини топиш,



Ўқишни давом эттириш ёки мансаб пиллапоясидан кўтарилишлари учун инглиз тилида мумкин қадар эркин ва профессионал мулоқот қила олишларига кўмаклашишдир.

Буни қандай амалга ошириш мумкин?

- Ҳар бир ўқув режасини ҳаётий мулоқот малакалари асосига кўриш орқали.
- Ўқувчилар инглиз тилида нима қила олишларини аниқлаб, уларга жаҳон стандартлари асосида инглиз тилидан фойдаланишни ўқитиш орқали.

Турли баҳолаш тизимларини қиёслаш ҳақида тахминий тасаввурга эга бўлиш учун кўйида жойлашган жадвалга қарашингиз мумкин. IELTS ва TOEFL бошқа мақсадлар учун ишлаб чиқилган профессионал баҳолаш типига мансуб бўлиб, CEFR талабдаги ўқув курси ёки дастурнинг асосини ташкил қила олмасликларига эътибор беринг.

CEFRнинг схемаси 6 даражага бўлинган. Ҳар бир даража кўп нарсани ўз ичига қамраб олади. Натижа яққол кўзга ташланиши учун (айниқса, Ўзбекистон таълим тизими билан қиёслганда) ҳар бир даражани учга бўлиб кўрсатишни таклиф қиламиз. Масалан, B2/1; B2/2; B2/3. Бунда B2/1 даражаси B2 даражанинг ярмидан камроғини ўз ичига олади. B2/2 даражаси B2 даражанинг ярмидан кўпини, B2/3 эса B2 даражани тўлиқ қамраб олади.

- Ўзбекистон таълим тизимини ҳам ҳисобга олган ҳолда профессионализмни баҳолашнинг бошқа турлари:

IELTS	TOEFL (PB)	TOEFL (CB)	Cambridge Tests	CEFR	O'zbekistan ta'lim tizimi
9	677	300	CPE	C2/3	-
8.5	677	300	CPE	C2/2	-
8	653	280	CPE	C2/1	-
8	637	270	CAE/CPE	C1/3	
7.5	613	260	CAE	C1/2	Doctorlik
7	600	250	CAE	C1/1	Magistratura 2-kurs
6.5	575	233	CAE	C1/1	Magistratura 1-kurs
6	550	213	CAE	B2/3	IV – bakalavr
5.5	525	196	FCE	B2/3	III- bakalavr
5	500	173	FCE	B2/2	II- bakalavr
4.5	475	152	FCE	B2/1	I- bakalavr
4	450	133	PET	B1/1	III- AL va Kollej
3.5	425	113	PET	B1/1	II- AL va Kollej
3	400	100	PET	B1/1	I- AL va Kollej
2.5	375	85	KET	A2/3	9- sinf
2.0	350	70	KET	A2/3	8- sinf
1.5	325	55	-	A2/2	7- sinf
1.0	300	40	-	A2/2	6- sinf
1.0	300	40	-	A2/1	5- sinf
-	-	-	-	A1/3	4- sinf
-	-	-	-	A1/2	3- sinf
-	-	-	-	A1/1	2- sinf
-	-	-	-	A1/1	1- sinf

AL - Академик Лицей.



Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим тизимида ёки халқ таълими тизимида турли ихтисосликлар бўйича ўқиётган талабаларга ва хорижий тил ўқитувчиларига CEFR ёндашуви қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

CEFF да келтирилган баҳолаш даражалари университет ва институтларнинг битирув имтиҳонларига, магистрлик дастурларига, шунингдек, тадқиқотчилар, турли sanoat соҳаларининг ишчи ва хизматчиларидан талаб қилинадиган малакаларга тенглаштирилиши керак. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги академик лицей ва коллежларнинг битирувчилари учун ҳам бу минимал талаблар ўша шкалада қайд этилиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, биз докторантура талабаларилари энг камда Б2 даражасида бўлишларини кўлаб-қувватлаймиз. Фикримизча, бу улар учун алоҳида чекловлар туғдирмайди.

Юқорида санаб ўтилган методлар, схемаларга кўра инглиз тили ўқитувчиси ўзи ўқитадиган курсни ўзи туза олиши керак Орамизда чет тили ўқитувчиси сифатида малака оширганлар тилшунослик, тиббиёт, муҳандислик, математика, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар бўйича ESPни ўқитиш учун ўқув материалларини яратишда дастлаб маълум қийинчиликларга учрашлари, аммо трейнинг ва тажриба орқали бу масалани ҳал қилишлари мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим битирувчилари 20-24 ёшларида иш топиб, хизмат пиллапоясидан кўтарилиш ёки ўқишни яна давом эттириш ниятида бўладилар, бу бўлмаса, турли соҳа мутахассислари сифатида қуйи ёки ўрта даражаларда ишлай бошлайдилар.

Sanoat соҳаси қанчалик муҳим бўлса, иқтисодиётнинг қолган тармоқлари учун малакали, ўқимишли кадрларни тайёрлаш қанчалик муҳим бўлса, олий ва ўрта махсус таълим соҳаси ҳам миллий иқтисодиётлар учун шунчалик муҳимдир. Олий маълумотли ёки коллежни тугатган ишчи-хизматчилар катта ойлик олишса, камроқ маълумот олган ишчиларга нисбатан камдан-кам ҳолларда ишсизликка дучор бўлишса, бу нормал, одатдаги ҳолдир. Шундай олий ёки профессионал ўқув муассасалари ўз битирувчиларига даражаси бўлмаган сертификатларни таклиф қилишлари ҳам мумкин, уларда маълум курслар мажмуи тугалланганлиги қайд этилади, аммо бундай сертификатларни бериш мазкур ташкилотларнинг асосий мақсади эмас.

Яна мақсадга қайтайлик. Сиз чет тили ўқитувчисиз. Турли ихтисосликлар бўйича ўқиётган кўплаб талабаларга дарс берасиз. Даставвал, сиз хорижий тилни билишингиз, у тил орқали бошқа мавзуларда, бошқа соҳаларда алоқа қила олишингиздан бахтли бўлишингиз керак. Бу, айти пайтда, қандайдир янги нарсани ўрганиш учун имконият ҳамдир. Аммо диққатингиз ҳамон ўз талабаларингизга қаратилиши лозим. Нега улар айнан шу мутахассисликни танлашган? Инглиз тили ўқитувчиси сифатида талабаларингиз ихтисослигига мос ўқув материалларини қандай қилиб йиғишингиз ва бир-бирига боғлашингиз мумкин? Булар мулоҳаза қилиб кўришингиз учун айрим саволлардир. Яна бошқа саволлар ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш жараёнларида пайдо бўлади.

Ўрта таълим бошланғич таълимдан кейин келувчи босқичдир. Фақат бошланғич таълим мажбурий бўлган баъзи мамлакатлардан ташқари кўпгина мамлакатларда ўрта таълим мажбурий таълимнинг сўнги босқичи ҳисобланади.

Бошланғич таълим мажбурий таълимнинг биринчи босқичидир. Ундан олдин мактабгача таълим ёки боғча таълими келса, ундан сўнг ўрта таълим босқичи келади.



Одатда, бошланғич таълим мактабларда олиб борилади. Бунда ўқувчи синфдан синфга ўтиб бошланғич таълимни тугатади ва ўрта мактабга ўтади. Болаларга, одатда, битта ўқитувчи дарс ўтади ва у муайян йил давомида уларнинг таълим олишлари ва ижтимоий таъминоти учун масъул этиб тайинланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. CEFR Guidebook at Common European Framework of Reference for Languageswww.coe.int.
2. Manual at Manual for Relating language examinations to the CEFR
www.coe.int/.../Manuel1_EN
3. The Association of Language Teachers in Europe (ALTE) has established a six-level framework of language examination standards.
4. Mapping the TOEIC and TOEIC Bridge Test on the Common European Framework of Reference for Languages
5. Mapping TOELF iBT on the Common European Framework of Reference
6. Common European Framework of Reference for Languages
7. University of Cambridge ESOL examinations
8. British Council/EAQUALS Core Inventory (*print pages 6, 19-36*)
9. http://clients.squareeye.net/uploads/eaquals2011/documents/EAQUALS_British_Council_Core_Curriculum_April2011.pdf
10. http://en.wikipedia.org/wiki/List_of_language_proficiency_tests
11. <http://www.english-at-home.com/grammar/relative-clauses/>
12. <http://www.amlanguage.com/en/courses/english-for-specific-purposes/>
13. <http://specific-english.blogspot.com/2011/07/assessment-in-esp.html>

**UMUMTA'LIM MAKTABI O'QUVCHILARINI SPORT TO'GARAKLARIGA TANLAB
OLISH VA YO'NALTIRISH**

Boltabayev Sherzod Olimjon o'g'li Namdu sport faoliyati kafedراسи o'qituvchisi

Annotatsiya Mazkur maqolada umumta'lim maktablarining sport to'garaklariga o'quvchilarni tanlab olishning samarali usullari va to'garaklariga jalb qilishning ba'zi bir afzalliklari haqida bayon etilgan.

ОТБОР И НАПРАВЛЕНИЕ ШКОЛЬНИКОВ В СПОРТИВНЫЕ СЕКЦИИ

Болтабаев Шерзод Олимжанович

Намгу преподаватель кафедры спортивной деятельности

Аннотация: В статье описаны эффективные способы отбора и некоторые преимущества привлечения учащихся общеобразовательных школ в спортивные секции.

**SELECTION AND REFERRAL OF SECONDARY SCHOOL STUDENTS TO SPORTS
CLUBS**

Boltabayev Sherzod Olimjon ugli

The teacher in the department of sports activity at NamSU



91	Yuqori malakali futbolchi xotin-qizlarni mashg'ulotlar uchun yuklamalarni rejalashtirish. Nodirov B.H.	443
92	Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlasgda steam tizimini samaradorligi. Xolmatova S.V.	446
93	Chet til darslarida hamkorlik ta'limi Shamshidinov U.Z.	451
94	Creating tasks for developing learners' critical thinking in english classes Yuldasheva D.Q.	454
95	Организация изобразительной деятельности детей дошкольного возраста Худайкулова Д.З.	458
96	Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativ salohiyatini yuksaltirishda olib boriladigan ishlar Karimova D.M., Nuraliyeva K.I.	464
97	Boshlang'ich sinflarda mumtoz adabiyot o'qitishning badiiy-estetik va ilmiy-pedagogik asoslari Jo'rayeva D.	469
98	Boshlang'ich sinf o'quvchilarining harakat malakalarini rivojlantirishda milliy harakatli o'yinlarning o'rni Ismoilov G'.	474
99	Abituriyentlarning til ta'limidan morfemikani o'zlashtirishining besh xil metodi Isaqova G.A.	476
100	An'anaviy va no'anaviy dars mashg'ulotlari, uning afzallik va kamchiliklari Ibroximov M.A., Rustamova Z.F.	480
101	CEFR va унинг давлат таълим стандартлари билан муофיקлиги Икромова М.Д.	485
102	Umumta'lim maktabi o'quvchilarini sport to'garaklariga tanlab olish va yo'naltirish Boltabayev Sh.O.	495
103	Umumta'lim maktablarida katta tanafuslardagi o'yinlarni o'quvchilar harakat faolligini rivojlanishidagi roli Jiyanov O.M., Sultonov B.S.	498
104	Umumta'lim maktablaridagi jismoniy tarbiya darslarida milliy harakatli o'yinlarning tutgan o'rni va ahamiyati Mahmudjonov A.A., Nabijonova M.M.	503
105	Mahmud Koshg'ariyning "Devon-u Lug'atit Turk" asarini innovatsion texnologiyalar asosida o'rganish. Qo'chqarov B.A.	508
106	Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda kitob bilan ishlash malakasini rivojlantirish usullari. Ismailova N.I.	513
107	Texnologiya darslarida o'quvchilarga zamonaviy kasblar haqida tushuncha berish va qiziqtitirish omillari. Muxitdinova J.R., Turg'unpulatova M.	517